

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВА ДИЛДОРА МУХИТДИН ҚИЗИ

**БАЧАДОН-ПЛАЦЕНТА-ҲОМИЛА ҚОН ОҚИМИ БУЗИЛИШЛАРИДА
ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ ВА УНИНГ ЕЧИМИГА
ШАХСИЙ ЁНДАШУВ.**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА (PhD) ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жураева Дилдора Мухитдин қизи

Бачадон–плацента–хомила қон оқими бузилишларида эндотелий дисфункцияси ривожланишининг клиник-иммунологик мезонлари ва унинг ечимига шахсий ёндашув..... 3

Жураева Дилдора Мухитдин қизи

Клинико-иммунологические критерии развития эндотелиальной дисфункции при нарушении маточно-плацентарно-плодового кровотока и персонафицированный подход к его решению 22

Juraeva Dildora Muhitdin qizi

Clinical and immunological criteria for the development of endothelial dysfunction in cases of uteroplacental-fetal blood flow disorders and a personalized approach to its solution..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВА ДИЛДОРА МУХИТДИН ҚИЗИ

БАЧАДОН-ПЛАЦЕНТА-ҲОМИЛА ҚОН ОҚИМИ БУЗИЛИШЛАРИДА
ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ ВА УНИНГ ЕЧИМИГА
ШАХСИЙ ЁНДАШУВ.

14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА (PhD) ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2025

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацион комиссиясида B2023.4.PhD/Tib4168 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор
Ешимбетова Гульсара Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

тиббиёт фанлари доктори, профессор

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.02/30.12. 2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025-й «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, ш. Я. Гулямова, акад, кўчаси 74 Тел./факс: (+99871)207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz)

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент, ш. Я. Гулямова, акад, кўчаси 74 Тел./факс: (+99871)207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz)

Диссертация автореферати 2025-йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2025-йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А. Исмаилова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бачадон-йўлдош-хомила қон айланишининг бузилиши (БЙХҚ) акушерликда долзарб муаммо ҳисобланади. Мутахассисларга кўра, «...бу синдром ҳомиладорликнинг эрта муддатларида турли сабаблар, жумладан, онадаги сурункали касалликлар туфайли ривожланади. Асосан ҳомиладорларнинг 4% да 2-3 триместрда аниқланади. Бачадон-йўлдош қон айланиши ҳомиладорликнинг муваффақиятли кечиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. БЙХҚ гемодинамикаси патологиялари 16 ҳафтагача бўлган муддатларда кўпинча ўз-ўзидан тушишга олиб келади.»¹. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...аҳоли орасида АҚШда бачадон-йўлдош-хомила қон айланишининг бузилиши 23,6% гача учрайди, Европа давлатларида 28,9% гача, Россиянинг турли минтақаларида 12 % дан 33 % гача, Ўзбекистонда 16-28% ни ташкил этмоқда...»². Ўзбекистон Республикаси миллий кўмита маълумотларига кўра БЙХҚ айланишининг бузилишидан оналар ўлим кўрсаткичи 19,3% ни ташкил этади³.

Йўлдош она ва ҳомила ўртасидаги асосий боғловчи бўғин бўлиб, бачадон билан биргаликда қўшимча коммуникатив бўғинни ҳосил қилади. Ҳомиладорликнинг физиологик ривожланиши йўлдошнинг қон томир тизимининг аниқ ишлашида бўлиши мумкин, унинг шаклланишида турли хужайра ичидаги компонентлар билан бирга ангиоген ўсиш омиллари ҳам иштирок этади. Ангиоген омилларнинг экспрессиясининг бузилиши (эпидермал ўсиш омили, эндотелин-1, қон томир-эндотелий ўсиш омили-А, плацента ўсиш омили) ҳомиладорликнинг асосий патологик шароитларини шакллантиришда универсал патогенетик жараён дир. Шунинг учун, ангиогенез – бу комплекс жараён бўлиб, акушерлик асоратларида, жумладан, йўлдош дисфункцияда ҳам жиддий бузилишлар билан кечадиган мураккаб жараён дир. Ҳомиладорликнинг физиологик кечиши учун яна бир гуруҳ медиаторлари – цитокинлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар орасида хужайравий ва гуморал иммунитетнинг яллиғланишга хос- ва қарши регуляторлари ажратилади. Цитокинлар онада иммун жавобини шакллантиришда фаол иштирок этади ва организмнинг асосий тизимлари (нерв, иммун, эндокрин) ўртасида алоқани ўрнатади.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини илғор жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек аҳоли орасида учрайдиган акушерлик ва гинекологик касалликларни эрта ташхислаш, кечишини башорат қилиш, келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган қатор ислохотлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида «...Республика аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадолиги, тиббий

¹ <https://www.kff.org/coronavirus-covid-19/press-release/rates-of-long-covid-in-the-u-s-have-declined-since-june-of-2022/>

² Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботлари 2019 йил.

³ Оналар ўлими бўйича махфий тадқиқотлар Миллий кўмитаси, 2017.

генетикани, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» худудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш...»⁴ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларга тиббий – ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, аёлларнинг ҳаёт сифатини ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республикадаги устувор тадқиқот йўналишларига мос келиши. Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг илмий ва технология йўналишларининг устувор йўналишларига мувофиқ равишда амалга оширилган V – «Тиббиёт ва фармакология».

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) бутун дунёда ҳам она, ҳам ичида ривожланаётган ҳомила учун жиддий муаммо ҳисобланади. Ҳомила ўсишининг кечикиши (ХЎК) ҳомиладорликнинг тез-тез учрайдиган асорати бўлиб, бу ҳолат ҳомиладорликнинг 5-10% да учрайди ва перинатал ўлимнинг тарқалиши бўйича иккинчи сабабидир (*Дубровина С. О., 2020*). ХЎК ҳали ҳам олдини олиш мумкин бўлган ўлик туғилиш ва ҳомиланинг салбий оқибатларининг асосий сабабидир, шунингдек, у эрта туғилиш ва преэклампсия каби акушерлик асоратлари билан чамбарчас боғлиқ. ХЎК пайдо бўлишининг этиологик сабаблари она, ҳомила ва бачадон-йўлдош қон томир етишмовчилигига боғлиқ бўлиш мумкин. Кўпинча этиологик омиллар ўзаро таъсир қилиши мумкин. Ассиметрик ХЎКнинг асосий этиологик омилли плецента дисфункцияси (*Татильская И.Н. и др., 2020; Кузнецова И.В., 2019*). ЙЕ ҳомила ва йўлдошнинг она организмнинг турли патологик ҳолатларига мураккаб реакциясининг натижаси бўлиб, Йўлдошнинг транспорт, трофик, эндокрин ва метаболик функцияларининг бузилиши билан намоён бўлади, бу эса ҳомила ва янги туғилган чақалоқ патологиясининг асосини ташкил қилади (*Зефирова Т.П., Железова М.Е., 2018*). ЙЕ натижаси ҳомилада, ҳомила ўсишининг кечикиши синдроми

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

(ХЎКС), гипоксия ёки ҳомиланинг ўлими бўлади. ЖССТ маълумотларига кўра, ривожланган Европа мамлакатларида ўсишнинг кечикиши билан туғилган чақалоқлар 6,5% ни ташкил қилса, Марказий Осиёда бу рақам 31,1% га етди. ХЎКС билан туғилган болаларнинг ривожланиши бўйича кўп йиллик кузатувлар шуни кўрсатдики, бу патология нафақат перинатал ўлимнинг кескин ошишига, балки боланинг организмида кўплаб морфофункционал ўзгаришларга ҳам олиб келади, бу эса унинг кейинги ҳаётида салбий оқибатларга олиб келади (*Elmi G., Di Pasquale G., Pesavento R, 2017*).

Ултратовуш био- ва плацентометрия маълумотларини таҳлил қилишда ЙЕ диагностикаси 55% ни; ҳамда кардиотокография ва «она-йўлдош-ҳомила» тизими томирларининг доплерометрияси - 42,9% ташкил қилади. Оғир патология ҳолатида ушбу тестларнинг маълумот даражаси мос равишда 87 ва 83,3% гача ошади. Йўлдош тизими ҳолатини диагностика қилишнинг бир неча турли йўналишларини, шу жумладан лаборатория усулларини ҳам параллел равишда қўллаш, ЙЕ ва ХЎКСни ўз вақтида аниқлаш имкониятини беради. ЙЕнинг ривожланишининг асосий патогенетик механизмларидан бири бу бачадон-йўлдош ва ҳомила-йўлдош қон айланишининг бузилиши бўлиб, артериал қон айланишининг етишмаслиги билан бирга кечади. Сўнгги йилларда бир қатор олимлар томонидан Йўлдошнинг ривожланишига таъсир қилувчи ўсиш омилларига асосий этибор қаратилмоқда. Йўлдошнинг қон томир тизимини ривожлантириш ва унинг нормал фаолияти учун эндотелий хужайраларининг пролиферациясини рағбатлантирувчи ва уларнинг ҳаётийлигини оширувчи ўсиш омиллари муҳим аҳамиятга эга. Уларга эндотелий ўсиш омиллари (VEGF), йўлдош ўсиш омиллари (PlGF) ва фибробластлар ўсиш омиллари (bFGF) киради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. «Иммуно тизимининг бачадон-плецента-ҳомила қон айланишида эндотелиал дисфункцияни шакллантиришдаги роли» мавзуси ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтининг ИТИ режасига киритилган ва Илмий кенгашда тасдиқланган; баённома № 5, 2023 й.

Тадқиқотнинг мақсади БЙХҚ бузилишида эндотелиал дисфункция ривожланишининг иммунологик механизмларини ролини ўрганиш ва ушбу патологияга эга аёлларни даволашга дифференциал ёндашувнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлигини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё вилоятида яшовчи, плацентар дисфункцияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларнинг клиник-лаборатория маълумотларини баҳолаш. Ҳомиладор аёлларда БЙХҚ бузилишига олиб келувчи сабаб-оқибат омилларини ўрганиш;

йўлдош дисфункциянинг оғирлик даражасига қараб ҳомиладор аёллар қонидаги ўсиш омиллари (TGF β , VEGF, PlGF, sFlt-1) ҳамда яллиғланишни кучайтирувчи ва сусайтирувчи цитокинлар (IL-6, IL-18, IP-10, IL-4) даражасини аниқлаш;

йўлдош дисфункция ҳолатини оғирлик даражасига қараб баҳолашда иммунологик усулларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш ва шунга мувофиқ акушерлик тактикаси ишлаб чиқиш;

олинган натижалар асосида бачадон–йўлдош–ҳомила қон айланиши бузилган аёллар учун прогноз ва бошқарув алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида йўлдош етишмовчилигининг турли даражалари бўлган 93 нафар ҳомиладор аёл ҳамда физиологик ҳомиладорликка эга 50 нафар аёл ташкил этган. Текширувдан ўтказилган аёлларнинг гестация муддати 28–38 ҳафтани ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети Иммунологик тадқиқотлар ўтказиш учун веноз қон олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анамнестик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Сурхондарё вилоятида яшовчи, йўлдош дисфункцияси бўлган ҳомиладор аёллар комплекс текширилиб, улар орасида энг кўп Ia даражаси (39,78%), кейин Ib даражаси (34,4%) ва II даража (25,8%) учраши аниқланган;

илк бор йўлдош етишмовчилигининг турли босқичларига эга бўлган аёлларнинг клиник-анамнестик ва акушерлик хусусиятлари ҳар томонлама таҳлил қилинган ва касаллик ривожланишига таъсир этувчи асосий хавф омиллари (ёш хусусиятлари, етарли овқатланмаслик, соматик касалликлар) исботланган;

илк бор йўлдош етишмовчиликнинг оғирлик даражасига кўра ўсиш омиллари (VEGF-A, PLGF, sFlt-1, TGFβ), яллиғланишга ҳос (IL-6, IL-18, IP-10) ҳамда яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинларнинг қон зардобидаги сезиларли ўзгаришлари кўрсатилган;

илк бор йўлдош етишмовчилиги оғирлигини комплекс баҳолаш учун иммунологик кўрсаткичларга асосланган интеграл индекслар (плацентар дисфункция индекси – ПДИ ва томир дисфункцияси индекси – ТДИ) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилоятидаги ҳомиладор аёлларда йўлдош дисфункцияни эрта аниқлаш ва ўз вақтида коррекция қилиш мақсадида мунтазам мониторинг ва профилактик тадбирларнинг зарурлиги исботланган;

аниқланган хавф омиллари асосида йўлдош етишмовчиликнинг олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мумкинлиги кўрсатилган;

аниқланган цитокинлар ва ўсиш омилларини йўлдош етишмовчилик даражасини баҳолашда маркер сифатида қўллаш имконияти тасдиқланиб, бу акушерлик тактикаси оптималлашувига хизмат қилиши кўрсатилган;

таклиф этилган интеграл индекслар (ПДИ ва ТДИ) ҳамда диагностика ва мониторинг алгоритмининг қўлланиши акушерлик асоратларини прогнозлаш ва уларнинг хавфини камайтиришда юқори самаралилиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тасдиқланган замонавий усуллар ва тадқиқотлардаги ёндашувлар қўлланилиши, назарий маълумотларнинг олинган натижаларга мувофиқлиги, тадқиқотларнинг

методологик аниқлиги, беморлар сонининг адекватлиги, клиник, генетик, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан солиштирилиши, ўтказилган хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиши. Статистик усулларни қўллаш олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, ҳомиладор аёлларда йўлдош етишмовчилиги ривожланишида юзага келадиган иммунологик механизмлар ва иммунопатогенез хусусиятларини ўрганиш келгусида ушбу муаммони мамлакатимизда янада чуқур ўрганиш учун пойдевор яратади. Фетоплацентар омиллар бузилишида яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқарилиши мувозанати каби иммунологик хавф омилларининг ролини аниқлаш мазкур акушерлик патологиясининг патогенезига доир янги жиҳатларни очиб беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлар фетоплацентар тизим бузилишидаги акушерлик патологияси ривожланиш механизмлари ҳақидаги билимларни иммунологик маркерлар асосида кенгайтиради. Илк бор фетоплацентар етишмовчилик ривожланишида акушерлик асоратларининг оғирлик даражасини ташхислаш ва башорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомиладор аёлларда йўлдош етишмовчилиги аниқланганида олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгиллиги: Сурхондарё вилоятида яшовчи, йўлдош дисфункцияси бўлган ҳомиладор аёллар комплекс текширилиб, улар орасида энг кўп Iа даражаси (39,78%), кейин Iб даражаси (34,4%) ва II даража (25,8%) учраши аниқланганлиги бўйича Иммунология ва инсон геномикаси институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 мартдаги №PhD3u-t/009-сон билан тасдиқланган «Плацентар дисфнкцияда ўсиш миллар мезонларининг таърифи» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Сурхондарё вилоят филиалида 2025 йил 14 январдаги №20-сонли ва Тошкент шаҳар 3-сон туғруқда 2025 йил 4 апрелдаги №81-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17/22-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* анамнезида ҳомиладорликгача ўтказган экстрагенитал касалликларни аниқлаш ва доплерографияда плацентар дисфункцияни тасдиқловчи маркёрларни аниқлаш ҳомила йўқотилиши ва перинатал ўлим хавфи камайишига олиб келади; *иқтисодий самарадорлиги:* ушбу контингентдаги аёлларни аниқлаш, даволаш-профилактика тадбирларини ўз вақтида амалага ошириши натижасида 1 нафар бемор учун 604000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради; *хулоса:* Сурхондарё вилоятидаги ҳомиладор аёлларда йўлдош дисфункцияни эрта аниқлаш ва ўз вақтида коррекция қилиш мақсадида мунтазам мониторинг ва профилактик тадбирларнинг зарурлиги исботланган;

иккинчи илмий янгилиги: йўлдош етишмовчилигининг турли босқичларига эга бўлган аёлларнинг клиник-анамнестик ва акушерлик хусусиятлари ҳар томонлама таҳлил қилинган ва касаллик ривожланишига таъсир этувчи асосий хавф омиллари (ёш хусусиятлари, етарли овқатланмаслик, соматик касалликлар) исботланганлиги бўйича Иммунология ва инсон геномикаси институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 мартдаги №PhD3u-t/009-сон билан тасдиқланган «Плацентар дисфнкцияда ўсиш миллар мезонларининг таърифи» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Сурхондарё вилоят филиалида 2025 йил 14 январдаги №20-сонли ва Тошкент шаҳар 3-сон туғруқда 2025 йил 4 апрелдаги №81-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17/22-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* анамнезида ҳомиладорликгача ўтказган экстрагенитал касалликларни аниқлаш ва доплерографияда плацентар дисфункцияни тасдиқловчи маркёрларни аниқлаш ҳомила йўқотилиши ва перинатал ўлим хавфи камайишига олиб келади; *иқтисодий самарадорлиги:* ушбу контингентдаги аёлларни аниқлаш, даволаш-профилактика тадбирларини ўз вақтида амалага ошириши натижасида 1 нафар бемор учун 604000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради; *хулоса:* аниқланган хавф омиллари асосида йўлдош етишмовчиликнинг олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мумкинлиги кўрсатилган;

учинчи илмий янгилиги: йўлдош етишмовчиликнинг оғирлик даражасига кўра ўсиш омиллари (VEGF-A, PLGF, sFlt-1, TGFβ), яллиғланишга ҳос (IL-6, IL-18, IP-10) ҳамда яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинларнинг қон зардобиддаги сезиларли ўзгаришлари кўрсатилганлиги бўйича Иммунология ва инсон геномикаси институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 мартдаги №PhD3u-t/009-сон билан тасдиқланган «Плацентар дисфнкцияда ўсиш миллар мезонларининг таърифи» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Сурхондарё вилоят филиалида 2025 йил 14 январдаги №20-сонли ва Тошкент шаҳар 3-сон туғруқда 2025 йил 4 апрелдаги №81-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17/22-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* анамнезида ҳомиладорликгача ўтказган экстрагенитал касалликларни аниқлаш ва доплерографияда плацентар дисфункцияни тасдиқловчи маркёрларни аниқлаш ҳомила йўқотилиши ва перинатал ўлим хавфи камайишига олиб келади; *иқтисодий самарадорлиги:* ушбу контингентдаги аёлларни аниқлаш, даволаш-профилактика тадбирларини ўз вақтида амалага ошириши натижасида 1 нафар бемор учун 604000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради; *хулоса:* аниқланган цитокинлар ва ўсиш омилларини йўлдош етишмовчилик даражасини баҳолашда маркер сифатида қўллаш имконияти тасдиқланиб, бу акушерлик тактикаси оптималлашувига хизмат қилиши кўрсатилган;

тўртинчи илмий янгилиги: йўлдош етишмовчилиги оғирлигини комплекс баҳолаш учун иммунологик кўрсаткичларга асосланган интеграл индекслар (плацентар дисфункция индекси – ПДИ ва томир дисфункцияси индекси – ТДИ) ишлаб чиқилганлиги бўйича бўйича Иммунология ва инсон геномикаси институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 6 мартдаги №PhD3u-t/009-сон билан тасдиқланган «Плацентар дисфункцияда ўсиш миллар мезонларининг таърифи» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Сурхондарё вилоят филиалида 2025 йил 14 январдаги №20-сонли ва Тошкент шаҳар 3-сон туғруқда 2025 йил 4 апрелдаги №81-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17/22-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* анамнезида ҳомиладорликгача ўтказган экстрагенитал касалликларни аниқлаш ва доплерографияда плацентар дисфункцияни тасдиқловчи маркёрларни аниқлаш ҳомила йўқотилиши ва перинатал ўлим хавфи камайишига олиб келади; *иқтисодий самарадорлиги:* ушбу контингентдаги аёлларни аниқлаш, даволаш-профилактика тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши натижасида 1 нафар бемор учун 604000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради; *хулоса:* таклиф этилган интеграл индекслар (ПДИ ва ТДИ) ҳамда диагностика ва мониторинг алгоритмининг қўлланиши акушерлик асоратларини прогнозлаш ва уларнинг хавфини камайтиришда юқори самаралилиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзусида 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан 5 та журнал мақолалари, жумладан 2 та республика ва 3 та хорижий журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган ва 1 та методик усуллар.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлган. Диссертация ҳажми 116 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳақида маълумотлар ҳамда диссертация тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорлик давридаги асоратлар ва унинг**

оқибатларида асосий патология сифатида плацента дисфункциясини баҳолашнинг замонавий жихатлари» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда ҳомиладор аёлларда плацента дисфункциясининг аҳамиятига бағишланган маҳаллий ва хорижий муаллифлар тадқиқотлари таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган. Плацента дисфункцияси ривожланишининг этиологик омиллари кўрсатилган, ушбу патологиянинг клиник-диагностик жихатлари очиқ берилган, шунингдек, плацента дисфункцияси ривожланишида иммунологик омилларнинг роли кўрсатилган ва ушбу ҳомиладорлик патологияси муаммосини ҳал этишдаги замонавий ёндашувлар муҳокама қилинган.

Диссертациянинг **«Клиник материаллар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллари умумий тавсифи келтирилган. Материал тўплаш жараёни 2021-йилдан 2023-йилгача Сурхондарё вилояти ЙЕринатал маркази базасида амалга оширилган.

93 нафар ҳомиладор аёлда, 28–38 ҳафталик ҳомиладорлик муддатларида ўтказилган. Улардан 37 нафар аёл (39,78%) Ia- босқичда, 32 нафар аёл (34,4%) Ib-босқичда, 24 нафар аёл (25,8%) эса II-босқичда эди. Назорат гуруҳини ҳомиладорлиги физиологик тарзда кечган 50 нафар аёл ташкил этган. Барча аёллар ёши ва ҳомиладорлик муддати бўйича таққосланадиган даражада эди. Ҳомиладор аёлларнинг ўртача ёши $26,8 \pm 2,6$ ёшни ташкил этган. Асосий гуруҳга киритиш мезони сифатида доплерометрия натижаларида қон оқими тезлиги кийёфаси (КТК) бўйича бузилиш мавжуд бўлганлари олинган.

Тадқиқотдан чиқариш мезонлари сифатида қуйидагилар белгиланди: сифилис, ОИТС (ВИЧ) инфекцияси, В ва С гепатитлари, оғир экстрагенитал патологиялар мавжуд бўлиши. Иммунологик кўрсаткичлар бўйича тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтида (директори – ЎзР ФА академиги Арипова Т.У.) амалга оширилган. Қон зардобидаги цитокинлар даражаси (IL-1 β , IL-6, IL-8, IFN α , IFN γ), ўсиш омиллари (VEGF A, TGF иммунофермент таҳлил (ИФТ) усулида аниқланган. Тадқиқот учун “Вектор Бест” (РФ) МЧЖ тест-тизимларидан фойдаланилган ҳамда уларнинг илова қилинган йўриқномасига мувофиқ амал оширилган.

Олинган натижалар «Excel» дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинган. Параметрик вариантларни таққослаш, танламалар тақсимотининг тўғрилиги аввалдан баҳоланган ҳолда, Стьюдент критерияси (t) асосида, хатолик эҳтимолияти (p) ҳисоблаб чиқилиб амалга оширилган.

Диссертациянинг **«Йўлдош етишмовчилиги бўлган ҳомиладор аёлларнинг клиник-анамнестик тавсифи»** деб номланган учинчи бобида бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши бузилишлари мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларнинг тавсифи келтирилган.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида 28–38 ҳафталик ҳомиладорлик муддатида акушерлик патологияси билан қайд этилган 25 263 нафар ҳомиладор аёлнинг тиббий ҳужжатлари ўрганилган. Ҳомила-йўлдош қон айланиши бузилган аёлларнинг клиник-анамнестик маълумотлари ва репродуктив соғлиғи кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Таҳлил қилинган

маълумотлар орасида йўлдош етишмовчилиги эга бўлган 300 нафар ҳомиладор аёл клиник-анамнестик (артериал босимнинг ошиши, камқонлик, сийдикда оксил мавжудлиги) ва инструментал-диагностик (доплерометрия) маълумотлар асосида йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) ташхиси қўйилган.

Йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) бўлган бемор аёлларда акушерлик анамнези ва янги туғилган чақалоқлар ҳолатини комплекс ўрганиш ушбу патологиянинг ривожланиш қонуниятлари ва эҳтимолий асоратларни башорат қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. ЙЕнинг кўп омилли табиати инobatга олинган ҳолда, асосий эътибор ҳомиладорликнинг кечиши, ҳамроҳ касалликлар ва ҳомила ҳолатини таҳлил қилишга қаратилган. Бу эса аниқланган бузилишлардан келиб чиққан ҳолда беморларни бошқаришнинг энг мақбул тактикасини белгилаш имконини берган.

Худуддаги ретроспектив маълумотлар таҳлили давомида йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) ҳолатлари сонининг босқичма-босқич ортиб бораётгани аниқланган. 2018-йилда ЙЕ ҳолатлари частотаси 0,66% (4961 та туғруқдан 33 таси) ни ташкил этган бўлса, 2022-йилга келиб бу кўрсаткич 1,41% (6013 та туғруқдан 85 таси) гача ўсган. Бу ҳолат хавф омилларини чуқурроқ таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқарган. Тадқиқотнинг проспектив босқичи гестация муддати 28–38 ҳафта бўлган 93 нафар ҳомиладор аёлни қамраб олган. Улар ЙЕнинг оғирлик даражасига қараб учта гуруҳга бўлинган: 1-гурӯҳ (n=38) – Iа-босқич, 2-гурӯҳ (n=32) – Iб-босқич, 3-гурӯҳ (n=24) – II-босқич. Назорат гуруҳини физиологик ҳомиладорликка эга бўлган 50 нафар аёл ташкил этган.

Йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) оғирлашган сари бемор аёлларнинг ўртача ёши ҳам ошгани кузатилган: 1-гуруҳда – 26,8±3,5 ёш, 2-гуруҳда – 28,4±3,9 ёш, 3-гуруҳда – 30,1±4,2 ёш. Назорат гуруҳидаги аёлларнинг ўртача ёши 26,3±3,2 ёшни ташкил этган, бу эса ёш омилнинг ушбу патология ривожланиши билан боғлиқ эканини тасдиқлайди. Ижтимоий-маиший ва касбий омиллар ҳам ҳомиладорлик кечишига сезиларли таъсир кўрсатган. Юқори жисмоний ва эмоционал юкламалар кўпроқ оғир шаклдаги ЙЕга эга бўлган беморлар орасида (иккинчи ва учинчи гуруҳларда) қайд этилган. Маиший шароитнинг ноқулайлиги 1-гуруҳдаги аёлларнинг 18,4%ида, 2-гуруҳда — 31,3%ида ва 3-гуруҳда — 41,7%ида кузатилган бўлиб, бу ҳолатлар ЙЕ кечишини янада оғирлаштирган.

Зарарли одатлар орасида энг кўп учрайдигани пассив чекиш бўлган: 1-гурӯҳ аёлларининг 12,3%ида, 2-гуруҳда — 18,7% ва 3-гуруҳда — 25,6% ҳолларда пассив чекиш қайд этилган. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич анча паст — 3,1%ни ташкил этди. Энг кенг тарқалган экстрагенитал касалликлар каторидан темир танқислиги камқонлиги (92,1% — 1-гурӯҳ, 96,8% — 2-гурӯҳ, 100% — 3-гурӯҳ), семизлик (гуруҳлар бўйича 10,5% дан 25% гача) ва қалқонсимон без патологиялари (21,1% дан 45,8% гача) ўрин олган.

Йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) ривожланишида жинсий йўл орқали юқадиган инфекциялар (26,3% дан 45,8% гача) ва вирусли инфекциялар (герЙЕс, ЦМВ ва уларнинг қўшилмалари) (36,8% дан 54,2% гача) муҳим роль ўйнаган, бу ҳолат ЙЕ оғирлашган сари юқори частота билан намоён бўлган. Гинекологик анамнез таҳлили кольпит (34,2% дан 62,5% гача), тухумдонлар

яллиғланиши (47,4%–70,8%) ва эндометрит (учинчи гуруҳда 66,7% гача) ҳолатлари кўп учрайдиганини кўрсатди. Беморларнинг шикоятларини ўрганиш натижасида ЙЕ учун хос бўлган энг тез-тез учрайдиган белгилар аниқланган (1-жадвал): қорин пастида оғриқ (1-гуруҳда – 34,2%, 2-гуруҳда – 50%, 3-гуруҳда – 62,5%), бачадон гипертонуси (1-гуруҳда – 39,5%, 2-гуруҳда – 56,3%, 3-гуруҳда – 75%), қонли ажралишлар (15,8% дан 37,5% гача), ҳомиланинг фаоллиги бузилиши (21,1% дан 45,8% гача) ва умумий ҳолатнинг ёмонлашуви (25% дан 55% гача). Шунингдек, кўп ҳолларда бош оғриғи ва бош айланиши ҳам қайд этилган.

1-жадвал

Йўлдош етишмовчилигида беморларнинг шикоятлари частотаси

Шикоятлар (%)	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
Қоринда оғриқ	34,2	50,0	62,5
Бачадонда гийЕртонус	39,5	56,3	75,0
Қонаралаш ажралма	15,8	25,0	37,5
Ҳомила фаоллигининг бузилиши	21,1	34,4	45,8
Умумий аҳволнинг ёмонлашуви	25,0	40,0	55,0
Бош оғриғи	18,4	30,0	42,0
Бош айланиши	17,1	28,5	38,9
Қовуқ соҳасида оғирлик ҳисси	22,5	37,8	50,3
Юрак-қон томир тизими дисфункцияси аломатлари	10,5	21,9	33,3

Физик текширув натижасида йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) оғирлашган сари қорин айланаси ва бачадон түби баландлигининг пасайиши аниқланган. 1-гуруҳда ўртача қорин айланаси $92,1 \pm 2,7$ см ни, 2-гуруҳда — $89,4 \pm 3,1$ см ни, 3-гуруҳда эса — $85,7 \pm 3,6$ см ни ташкил этган. Бачадон түби баландлиги ҳам пасайган — $30,8 \pm 1,4$ см дан $26,4 \pm 1,7$ см гача. ЙЕнинг оғир шаклларида ҳомиладор аёлларнинг вазни ҳам камроқ бўлган, шунингдек, ҳомиладорлик давомида вазн ортиши миқдори ҳам камайган: 1-гуруҳда — 7,2 кг, 2-гуруҳда — 5,6 кг, 3-гуруҳда — 3,5 кг.

Бачадон бўйни ҳолати (қисқариши) оғир йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) билан бўлган беморларда кўпроқ учраган: 1-гуруҳда 18,4% ҳолатда, 3-гуруҳда эса 47,9% ҳолатда қайд этилган. Ҳомила ҳолати бачадонда ривожланишнинг кечикиши кўрсаткичлари асосида баҳоланган: 1-гуруҳда — 13,2%, 2-гуруҳда — 29,7%, 3-гуруҳда — 52,1%. УТТ параметрлари ЙЕ оғирлашган сари йўлдош қалинлигининг камайиши ва амнион суюқлиги ҳажмининг камайишини тасдиқлаган (2-жадвал). Допплерометрик тадқиқот қон айланишидаги ўзгаришларни намоён этган бўлиб, бачадон артериялари резистентлик индексининг (РИ) 0,62 дан 0,83 гача ва пуфак артериясининг РИ 0,74 дан 0,91 гача ошиб боргани кузатилган — бу ЙЕ оғирлашувини акс эттиради.

Оғир шаклдаги йўлдош етишмовчилиги (ЙЕ) ҳолатларида кесар кесиш орқали туғдириш эҳтиёжи анча юқори бўлган: 1-гурухда — 34,2%, 3-гурухда эса — 71,9% ҳолларда. Апгар шкаласи бўйича ўртача балл ЙЕ оғирлашган сари пасайган: 1-гурухда — $7,8 \pm 0,5$, 2-гурухда — $6,5 \pm 0,6$, 3-гурухда — $4,9 \pm 0,8$.

2-жадвал

ЙЕ бўлган беморларда ультратовуш текшируви натижалари

Гурухлар	Йўлдош қалинлиги (мм)	Амниотик суюқлик индекси (сМ)	Бачадон артерияларида резистентлик индекси (РИ)	Пуфак артериясида резистентлик индекси (РИ)	Нормал КТГ ҳолатлари (%)	Кейинги децелерация ҳолатлари (%)
1-гурух	34,7	12,4	0,62	0,74	84,2	5,1
2-гурух	30,3	9,7	0,71	0,82	46,9	29,2
3-гурух	27,6	7,2	0,83	0,91	27,5	72,5

Учинчи гуруҳда янги туғилган чақалоқларда асоратлар кўпроқ қайд этилган: нафас етишмовчилиги — 45,8%, мушак гипотонияси — 33,3%, сўриш рефлексининг сустлиги — 28,5% ва инфекция асоратлар — 41,7%. Олиб борилган комплекс таҳлил ЙЕнинг ривожланиши ва клиник кечиши билан боғлиқ муҳим қонуниятларни аниқлаш имконини берди. Бу эса ҳомиладорлик натижаларини яхшилашга қаратилган ўз вақтидаги диагностика ва профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини янада таъкидлайди.

Диссертациянинг «**Бачадон–йўлдош–ҳомила тизимида қон айланиши бузилган ҳомиладор аёлларда эндотелий дисфункцияси ривожланишида цитокин ҳолати ва ўсиш омиллари параметрларини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида бачадон-йўлдош қон айланиши бузилишлари кузатилган, ҳомиладор аёлларда цитокин профили ва асосий ўсиш омиллари даражаларининг динамикасини комплекс ўрганиш натижалари келтирилган. Бобда эндотелий дисфункцияси шаклланиш механизмларига алоҳида эътибор қаратилган, чунки айнан ушбу ҳолат йўлдош етишмовчилиги патогенезида марказий ўрин эгаллайди. Ушбу бобда яллиғланишни кучайтирувчи цитокинлар (IL-1 β , IL-6, TNF- α , IFN γ , MCP-1) даражалари, ўсиш омиллари (VEGF-A, PlGF, sFlt-1), шунингдек, эндотелий дисфункциясининг маркери сифатида қаралаётган эндокан-1 ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар атрофлича таҳлил қилинган(3-жад.).

Ўрганилган параметрларни таҳлил қилишга ўтаётганда, иммунитетни фаоллаштириш ва йўлдош қон айланишини шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган яллиғланишни кучайтирувчи цитокин — IL-1 β даражасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Тадқиқотда иштирок этган гуруҳлар ўртасидаги IL-1 β даражалари солиштирилганда, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич $163,53 \pm 7,12$ пг/мл ни ташкил этгани аниқланган. Йўлдош етишмовчилигининг Ia-босқичи бўлган ҳомиладорларда IL-1 β концентрацияси $185,6 \pm 8,03$ пг/мл гача ошган бўлиб, бу назорат гуруҳига

нисбатан 1,14 марта юқори ($p < 0,05$). Iб- босқичдаги ЙЕга эга беморларда IL-1 β даражаси $197,4 \pm 8,71$ пг/мл ни ташкил этган — бу назорат гуруҳидан 1,21 марта ($p < 0,05$) ва Ia-гуруҳидан 1,06 марта юқори. Энг юқори IL-1 β концентрацияси II-босқичдаги ЙЕга эга беморларда қайд этилган — $228,6 \pm 9,3$ пг/мл, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 40% га юқори ($p < 0,001$).

Кейинги яллиғланиш маркери — IL-6 ни таҳлил қилиш жараёнида ҳам беморлар гуруҳлари орасида аҳамиятли фарқлар аниқланган. Назорат гуруҳида IL-6 концентрацияси $53,35 \pm 2,03$ пг/мл ни ташкил этган.

3-жадвал

Йўлдош етишмовчилигининг турли даражалари билан бўлган ҳомиладор аёлларда яллиғланишни кучайтирувчи цитокинлар даражаси (пг/мл)

Цитокинлар, пг/мл	Назорат гуруҳи n=50	1 -гуруҳ, n=25	2-гуруҳ, n=23	3-гуруҳ, n=17
IL-1 β	$163,53 \pm 7,12$	$185,6 \pm 8,03^*$	$197,4 \pm 8,71^*$	$228,6 \pm 9,3^{***}$
IL-6	$53,35 \pm 2,03$	$69,7 \pm 3,02^*$	$75,8 \pm 3,12^*$	$88,4 \pm 5,1^{***}$
TNF- α	$39,2 \pm 2,6$	$56,4 \pm 2,08^*$	$62,8 \pm 2,36^*$	$72,3 \pm 3,8^{***}$
MCP-1	$123,1 \pm 4,85$	$149,6 \pm 5,3^*$	$156,4 \pm 5,9^*$	$185,3 \pm 7,6^{***}$
IFN γ	$37,8 \pm 1,7$	$53,4 \pm 1,9^*$	$58,3 \pm 1,8^*$	$29,6 \pm 1,3^{***}$

Изоҳ: * — назорат гуруҳи маълумотлари билан солиштирилганда ишончли фарқ ($P < 0,05$, ** — $P < 0,01$, *** — $P < 0,001$).

Йўлдош етишмовчилигининг Ia-босқичи бўлган беморларда бу кўрсаткич $69,7 \pm 3,02$ пг/мл гача ошди, яъни назорат гуруҳига нисбатан 31% юқори ($p < 0,05$). Иккинчи гуруҳда (ЙН Iб-босқичи) IL-6 концентрацияси $75,8 \pm 3,12$ пг/мл ни ташкил этган бўлиб, назоратга нисбатан 42% ($p < 0,05$), Ia-гуруҳига нисбатан эса 9% юқори бўлган. Энг юқори IL-6 даражаси учинчи гуруҳда (ЙН II-босқичи) қайд этилган — $88,4 \pm 5,1$ пг/мл, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 66% ($p < 0,001$), биринчи ва иккинчи гуруҳларга нисбатан мос равишда 26% ва 17% юқори бўлган.

Кейинги босқичда ҳомиладорлик даврида яллиғланиш фаоллигининг асосий маркерларидан бири бўлган TNF- α даражаси таҳлил қилинган. Йўлдош етишмовчилиги ҳолатида унинг ошиши яллиғланишни кучайтирувчи ва сусайтирувчи механизмлар ўртасидаги мувозанат бузилганидан далолат беради. Назорат гуруҳида TNF- α даражаси $39,2 \pm 2,6$ пг/мл ни ташкил этган. ЙЕнинг Ia-босқичидаги беморларда бу кўрсаткич $56,4 \pm 2,08$ пг/мл гача ошган, яъни назорат гуруҳига нисбатан 44% юқори ($p < 0,05$).

Иккинчи гуруҳда (ЙЕ Iб-босқичи) TNF- α даражаси $62,8 \pm 2,36$ пг/мл ни ташкил этган, бу эса назорат кўрсаткичларидан 1,6 марта ва биринчи гуруҳ кўрсаткичларидан 11% юқори. Энг юқори ўсиш кўрсаткичи учинчи гуруҳда қайд этилган — $72,3 \pm 3,8$ пг/мл, бу назорат гуруҳига нисбатан 84% юқори, биринчи гуруҳ кўрсаткичларидан 28% ва иккинчи гуруҳдан 15% баланд. MCP-1 даражасини ўрганиш натижалари шу модданинг концентрацияси ЙЕ

оғирлашган сари ортиб бориш тенденциясини кўрсатган. Назорат гуруҳида МСР-1 даражаси $123,1 \pm 4,85$ пг/мл ни ташкил этган. Биринчи гуруҳда бу кўрсаткич $149,6 \pm 5,3$ пг/мл гача ошган (назоратга нисбатан 21,5% юқори, $p < 0,05$). Иккинчи гуруҳда МСР-1 даражаси $156,4 \pm 5,9$ пг/мл ни ташкил этган — бу назорат гуруҳидан 1,27 марта ва биринчи гуруҳдан 4,5% юқори. Энг юқори кўрсаткич учинчи гуруҳда кузатилган — $185,3 \pm 7,6$ пг/мл, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 50,5% юқори.

4-жадвал

ЙЕ турли даражалари бўлган ҳомиладор аёлларда ўсиш омиллари даражаси (пг/мл)

Цитокинлар, пг/мл	Назорат.гр. n=50	1-гуруҳ, n=25	2-гуруҳ, n=23	3-гуруҳ, n=17
VEGF A	$176,3 \pm 1,9$	$154,8 \pm 6,12^*$	$141,7 \pm 11,3^*$	$125,9 \pm 9,5^{***}$
PLGF	$435,8 \pm 13,1$	$386,2 \pm 9,4^*$	$348,4 \pm 8,5^*$	$319,2 \pm 8,2^{***}$
sFlt-1	$1892,3 \pm 58,6$	$2218,9 \pm 53,1^*$	$2673,4 \pm 57,2^*$	$3158,6 \pm 61,3^{***}$
Эндокан-1	$0,7 \pm 0,03$	$15,7 \pm 1,2^*$	$22,8 \pm 1,4^{**}$	$27,2 \pm 1,9^{***}$

Изоҳ: * — назорат гуруҳи маълумотлари билан солиштирилганда ишончли фарқ ($P < 0,05$), ** — $P < 0,01$, *** — $P < 0,001$).
